

Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1 Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1 Шартнома фақатгина томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланади ва улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 6.2 Шартнома иккала томоннинг ўзаро келишувига қўра, бошқа бир томоннинг шартнома шартларини бузган ҳолда ёки ишлар бажарилиши учун ўлчаш воситалари (синов воситалари) ва зарур ҳужжатлар уз вақтида топширилмаган, шартноманинг 2.1. банди "Буюртмачи" томонидан бажарилмаган ёки ишлар бажарилишини кечиктириш ҳақидаги ёзма хабарномаси бўлмаган ҳолатларда кўриб чиқилиши мумкин.
- 6.3 Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга бекор қилиниши кўзланаётган муддатдан 15 кун аввал ёзма хабарнома юборади.
- 6.4 Шартнома бекор қилинганидан сўнг, шартнома юзасидан ҳақиқий харажатлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.
- 6.5 Иш ва хизматлар нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиш вақтида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганда, тегишли индексация коэффициенти асосида шартноманинг нархи қайта кўриб чиқиладиган ва ёзма равишда расмийлаштирилади.
- 6.6 "Бажарувчи" қуйидаги маълумотларни "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз учинчи тарафга тақдим этмаслик мажбуриятини олади:
- ўлчаш воситаларининг (синов воситалари) калибрлаш (ёки қиёслаш) натижаларини, калибрлаш (ёки қиёслаш) баённомаси ва сертификати нусхаси, "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" ўртасидаги молиявий маълумотлар;
 - "Буюртмачи"нинг ходимлари ҳақидаги шахсий маълумотлар;
 - "Буюртмачи"нинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни билан боғлиқ маълумотлар, ривожлантириш бўйича режалари, схемалар ва чизмалар;
 - маҳсулот (хизмат) қиймати ва нархи;
 - "Буюртмачи"га тақдим этилган бирламчи маълумотлар;
 - солиқ тўловлари ва бу бўйича имтиёزلари (агар бор бўлса) ҳақидаги маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Аккредитация органи, "Ўзстандарт" агентлиги ва бошқа ҳуқуқ тарғибот органлари томонидан бериладиган сўровлар бундан мустасно.
- 6.7 Калибрлаш натижалари бўйича спецификация ёки стандартга мувофиқлик тўғрисида баёнотни "Буюртмачи" сўрамайди "Бажарувчи" эса тақдим этмайди (қолган хизматлар бундан мустасно).
- 6.8 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, қолган барча ҳолатлар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини қўллайдилар.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1 Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, ҳарбий можаролар, томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳукуматнинг чекловчи қарорлари ва ҳоказолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита намоён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади.
- 7.2 Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 5(беш) кун ичида бошқа томонларни форс-мажор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.
- 7.3 Агар форс-мажор ҳолати мазкур шартнома шартларини бажаришга 12 ойдан кўп муддат талаб қилса томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1 Шартнома унга томонларнинг имзо қўйган вақтдан (имзо қўйилган сана) ва Молия Ҳазначилиги томонидан рўйхатдан (агар молия Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган бўлса) ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда ушбу шартнома бандлари 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.
- 8.2 Шартнома икки нусхада - ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

- 9.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки